

---

## ФАРГОНАДА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИГА БАФИШЛАНГАН ЎҚУВ- СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тушуниришга бағишиланган ўқув-семинари ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали раҳбари ўринбосари Аҳаджон Акбаров, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори Эшмуҳаммад Қодиров ҳамда вилоят адлия бошқармаси масъуллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинарга вилоят, шаҳар ва туманлардаги давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари жалб этилиб, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси юртимиз тараққиётига, ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қилиши, энг аввало “Инсон қадри учун” ғояси унда устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилганлиги таъкидланди.

Сўз олганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида кўрсатиб ўтилган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, хусусан, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-кувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлиги қайд этилди.

Семинар якунида иштирокчиларга ўзларини қизиқтирган саволлари юзасидан тегишли ҳукуқий тушуниришлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-13 15:30:17